O'zbekistonRespublikasi
Sirdaryo viloyati
Guliston shahar hokimining

QARORI

Р Е Ш Е Н И Е

**хокима города Гулистана
Сырдарьинской области
Республика Узбекистан**

2020 yil "30"ноябрь **№ 452** **Guliston sh.**

Гулистон шаҳар Н.Зокиров кўчасининг Хондамир ва Шифокор кўчалари билан кесишган жойигача бўлган оралиқ қисмида барча турдаги автотранспорт воситаларининг ҳаракатини вақтинчалик тўхтатилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги "Республика ҳудудларида "Business city" замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3895-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 июньдаги "2030 йил давригача Гулистон шаҳрининг Бош режасини тасдиқлаш тўғрисида"ги 160-сонли қарори "GULISTON BUSINESS CITY" ДУКнинг 2020 йил 26 ноябрдаги "GULISTON CITY" ҳудудида яъни Бунёдкор, Шифокорлар, Туркистон, Ал-Хоразми ва А.Яссавий кўчалари ҳудудида оқова сув тармоғини ётқизиш ишларини бошланиши муносабати билан автотранспорт воситаларининг ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш тўғрисида"ги 012-сонли хатини ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Қонунининг 4,7-моддалари, "Махаллий давлат хокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6,25-моддаларига мувофик, **қарор қиламан:**

1. "GULISTON BUSINESS CITY" ДУКнинг 2020 йил 26 ноябрдаги 012-сонли хати инобатга олинсин.

2. Гулистон шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (З.Қаюмов)га, Гулистон шаҳар ИИБ ЙҲХБ (А.Абдуллаев)ларга:

"GULISTON CITY" ҳудудида яъни Бунёдкор, Шифокорлар, Туркистон, Ал-Хоразми ва А.Яссавий кўчалари ҳудудида оқова сув тармоғини ётқизиш ишларини бошланиши муносабати билан ушбу қурилиш ишлари якунига етгунига қадар барча турдаги автотранспорт воситаларининг ҳаракатини вақтинчалик тўхтатиб туриш вазифаси юклатилсин.

3. "GULISTON BUSINESS CITY" ДУК раҳбари (У.Дустмаматов)га;

тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланган ҳаракат хавфсизлиги чизмасига асосан йўл белгиларини ва туташмаларда ёритиш тизимини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати (И.Захиров), мазкур қарорни расмий нашрларда эълон қилиниши ва шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, девонҳонаси (А.Қуватов) қоғоз ва электрон

шаклларда бир кунлик муддатда, тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга етказилишини ташкиллаштирсин.

5.Ушбу қарор расмий манбаларда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Муратов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **Т.Дадабаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI GULISTON SHAHAR HOKIMLIGI
DEVONXONA